



A NEW STAGE IN POLITICAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND FRANCE

Zulfiya Davronova

Senior Lecturer

Uzbek State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: zulfiyadavronova@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: international relations, globalization, independence, international arena, human rights, inter-parliamentary relations, strategy for action.

Received: 14.04.25

Accepted: 16.04.25

Published: 18.04.25

Abstract: This article analyzes the new stage of political relations between Uzbekistan and France, discussing the achievements in such areas as diplomatic, socio-economic and cultural cooperation between the two states. The new stage of relations between Uzbekistan and France is undoubtedly aimed at developing strategic partnership between the two countries and strengthening cooperation in new spheres based on mutual interests. The article also considers new perspectives of these relations.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Зулфия Давронова

катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: zulfiyadavronova@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: халқаро муносабатлар, глобаллашув, мустақиллик, халқаро майдон, инсон хуқуқлари, парламентлараро муносабатлар, харакатлар стратегияси.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги сиёсий алоқаларниң янги босқичи таҳлил қиланиб, икки давлат ўртасидаги дипломатик, ижтимои-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик каби соҳалардаги муваффақиятлари муҳокама қилинади. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқаларниң янги босқичи, шубҳасиз, икки мамлакатнинг стратегик шерикликни ривожлантириш ва ўзаро манфаатларига

асосланган янги соҳаларда ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган. Мақолада мазкур муносабатларнинг янги истиқболлари ва уларнинг халқаро майдондаги аҳамиятига ҳам эътибор қаратилган.

НОВЫЙ ЭТАП В ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА И ФРАНЦИИ

Зульфия Давронова

старший преподаватель

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

E-mail: zulfiyadavronova@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: международные отношения, глобализация, независимость, международная арена, права человека, межпарламентские отношения, стратегия действий.

Аннотация: В данной статье анализируется новый этап политических отношений между Узбекистаном и Францией, обсуждаются достижения в таких сферах, как дипломатическое, социально-экономическое и культурное сотрудничество между двумя государствами. Новый этап отношений между Узбекистаном и Францией, без сомнения, направлен на развитие стратегического партнёрства двух стран и усиление сотрудничества в новых сферах, основанных на взаимных интересах. В статье также рассматриваются новые перспективы этих отношений.

Кириш. Бугунги дунё глобаллашув шароитида бир-биридан қочиб эмас, бир-бирига интилиб яшашдан манфаатдор ҳар қандай давлат ёки жамият ҳаётида халқаро муносабатлар қадимдан муҳим аҳамият касб этиб келган. Қадимий анъана ва тажрибаларга эга бўлган халқаро ҳамкорлик, мамлакатлараро иқтисодий-маданий айирбошлиш XXI асрга келиб тобора улкан моҳият касб этмоқда. Инсоният руҳиятида шаклланаётган оламни асраш, ҳаёт ва турмушнинг бошқа қадриятларини авайлаш инстинкти тобора кучайиб бормоқда. Ҳар қандай давлат ер шарининг қайси нуқтасида жойлашган бўлмасин, дунё халқлари ва мамлакатлари билан ҳамкорликсиз истиқболини белгилай олмайди. Шунинг учун хам бундай маънавий-руҳий, қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий моҳият касб этадиган умумсайёравий эҳтиёжни назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёев “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” [1, 2021] деган эди. Бу дунё халқларининг бир-бирига интилиши, маънавий эҳтиёжларини умумжаҳон цивилизацияси ютуқлари асосида қондириш

эҳтиёжидан келиб чиқадики, халқлар умуминсоний қадриятлар доирасидагина юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол, аҳлоқий етук, сиёсий жиҳатдан юқори савияда бўлишига хизмат қиласди.

Тадқиқот методлари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев асарларида илгари сурилган методологик кўрсатмалар ва хукумат тузилмаларининг меъёрий ҳужжатларида келтирилган ташки сиёсий муносабатларга доир кўрсатмалари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади. Илмий билишнинг асосий усуллари ва тамойиллари, замонавий социология, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар ва маданиятшунослик фанлари вакилларининг халқаро маданий алоқаларни таҳлил қилишда кенг қўллаётган структур-функционал таҳлил ишнинг янги илмий-назарий асоси бўлди. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб мумтоз мутафаккирларининг халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларга доир қарашлари ҳам тадқиқот ишида акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, халқаро сиёсий жараёнларнинг тенг хуқуқли аъзоси сифатида ўз миллий манфаатларига мос келувчи ташки сиёсатни юрита бошлади. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ташки сиёсатининг асосий тамойиллари сифатида: “Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги; иккинчидан, тенг хуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун ошкоралик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик; тўртинчидан, халқаро хукуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги; бешинчидан, ташки алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш” эканлиги белгилаб олинди. Ушбу тамойилларга мос равишда алоқалар кенг йўлга қўйилган мамлакатлардан бири Франция Республикасидир.

Ўзбекистон-Франция ўртасидаги алоқалар янги босқичга қўтарилиди. Европада жойлашган ҳамда жаҳоннинг илгор демократик давлати Франция билан халқаро алоқалар ўрнатиш тараққиётнинг демократик йўлини танлаган Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил октябрь ойида Европа қитъасига илк давлат ташрифини айнан Франция Республикасидан бошлагани бежиз эмас. Парижда Франция Президенти Э.Макрон ва Сенат Раиси Ж.Ларше билан учрашувлар, Франциянинг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашувлар, Луврдаги сухбат мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиб берди. Буни Президент Ш.М Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтган: “Биз Жаҳон савдо ташкилоти билан бошланган мулоқотимизни, ҳамда Европа Иттифоқи билан Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги янги битимни тузиш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз. Шунингдек, биз

бошқа халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлардаги иштирокимизни, янада кучайтирамиз” [2, 2020].

“Халқаро алоқалар” тушунчаси мураккаб ва кенг қамровли, шу билан бирга, илмий тушунча сифатида асосан XIX аср охири XX аср бошларидан ўрганила бошланган, ягона, умумқабул қилинган таъриф йўқ. Халқаро алоқаларда узоқ давр мобайнида давлат асосий ўрин эгаллаб келганлиги боис, аксарият таърифларда мазкур институт бош тушунча сифатида келади. Бироқ демократик тараққиёт ижтимоий муносабатларда жамоат ташкилотлари ва бошқа ижтимоий институтларнинг ҳам аҳамиятини ошириб юборди. Шу боисдан XX асрнинг охирларига келиб, тадқиқотчилар нисбатан кенгроқ таъриф беришга ҳаракат қила бошладилар. Масалан, тадқиқотчи Г.Х.Шахназаров халқаро муносабатларни “инсоний ҳамжамиятни шакллантирувчи интеграцион алоқалар мажмуи” деб ҳисоблайди [3, 1981].

Француз социологи Р.Арон эса “халқаро муносабатлар – бу сиёсий бирликлар, юонон полислари, Рим ёки Миср империялари, Европа монархиялари, буржуа республикалари ёки халқ демократиялари ўртасидаги алоқалардир. Халқаро алоқаларнинг мазмунини давлатлараро муносабатлар ташкил этади: давлатлараро шартномалар эса шак-шубҳасиз халқаро муносабатларга мисол бўла олади”, - дейди [4, 17]. Р.Ароннинг ушбу фикрига қўшилмаганлар ҳам бор. Масалан, американлик тадқиқотчи Д.Капоразонинг фикрига кўра, халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчилари бугунги кунда давлатлар эмас, балки ижтимоий-иқтисодий гурухлар, синфлар ва сиёсий кучлардир [5, 36]. Д.Сингер эса, масалага бихеоверистик ёндашади, яъни, унинг фикрига кўра, халқаро муносабатларнинг барча иштирокчиларини – индивидлардан тортиб глобал уюшмаларгача – уларнинг халқаро майдондаги таъсир ўтказиш имкониятларига эътибор бермаган ҳолда ўрганиш лозим.

Халқаро муносабатлар тадқиқотига бағишлиланган илмий ишларда мазкур жараён динамик ҳодиса сифатида ҳам ўрганилади. Сиёсатшунос В.А.Мальцевнинг билдиришича, халқаро муносабатларнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир қиласи:

- ижтимоий-сиёсий фан ютуқлари;
- халқаро иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг шаклланиш тарзи;
- ҳарбий-стратегик кучларнинг мувозанати;
- халқаро ташкилотлар, муассасалар (БМТ, ЮНЕСКО, НАТО, EXХТ ва б.) фаолияти;
- айрим давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатининг таъсири;
- табиий мухит, хом ашё ва табиий ресурсларнинг жойлашуви [6, 481].

Олимнинг фикрига кўра, ҳозирги кунда халқаро муносабатларнинг ривожланиши қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошмоқда:

- дунёнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлиги омилиниң ўсиши;

дунёда ижтимоий хилма-хилликни сақлашга интилишнинг мавжудлиги;

дунёвий ривожланишнинг янгича шароитлари билан ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишга диний, эътиқодий, мафкуравий ёндашувлар ўртасидаги зиддиятларнинг чукурлашуви;

зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳал қилишда сиёсий воситалар аҳамиятининг ошиб бораётганлиги [6, 483].

Давлатларнинг ташқи сиёсати ва турли ҳалқлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари қадимдан тадқиқотчиларни қизиқтириб келган. Хусусан, бундан 2500 йил аввал яшаб, ижод этган юонон мутафаккири Афлотун “... давлат, ўзининг бошқалар билан мулоқот қилмаганлиги натижасида яхши ва ёмон одамлар билан тажрибада танишмай туриб, ҳеч қачон маъқул даражада ахлоқли ва баркамол бўлолмайди” [7, 413]0 деб таъкидлаган. Яъни давлат тузилишида мұккаммалликка эришиш учун ҳам ўзга мамлакатлар билан узвий алоқада бўлиб туриш лозим.

Римлик Страбон эса ўрганилмаган давлатлар ҳеч қанақа аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблади. “Узоқда жойлашган ҳудудлар ва у ерларда яшовчи аҳоли, айниқса, Римга хавф солмайдиган ва ўз савдо-сотиқлари билан фойда келтирмайдиган ороллар ҳалқлари, биз учун ҳеч қандай аҳамиятга молик эмас” [8, 30-31]. Ушбу фикрни том маънодаги геосиёсий муносабатларнинг илк кўринишлари сифатида баҳолаш мумкин. Чунки Страбон географик мавжудликни Рим давлати манфаатлари негизида, яъни соғ сиёсий муносабатлар нуқтаи назаридан баҳолаганлиги билан аҳмиятлидир.

Тарихга назар солар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, XIV-аср охири XV-аср бошларида Франция ва Амир Темур давлати ўртасида жадал ёзишмалар орқали самарали дипломатик алоқалар ўрнатишга интилиб, ҳалқаро муносабатлар соҳасида бир-бирини қўллаб-қувватлашган.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги мулоқотда туб бурилиш ясаган воқеа 1402 йилда Анқарадаги тарихий жангда Амир Темурнинг турк сultonи Йилдирим Боязид устидан қозонилган ғалабаси бўлди.

Европанинг Анқара учун курашга қизиқиши бежиз эмас эди. Турк сultonининг Европанинг жануби-шарқидаги ғалabalари ўша пайтда унчалик ҳам қудратли ҳарбий кучга эга бўлмаган Европа монархлари учун таҳдид ва хавф эди.

Карл VI буюк Амир Темурни ғалаба билан шахсан табриклаб, унга табрик мактуби йўллади. Амир Темур «Европа халоскори» деб атала бошланди. Ўша пайтда Европанинг барча ривожланган давлатлари элчилари пойттаҳт Самарқандга шошилишди.

Амир Темур ва Карл VI ўртасидаги 1402 йил августдаги дипломатик ёзишмаларининг бир қисми ҳозирги кунда Франция архивларида сақланади. Икки буюк давлат раҳбарлари

ўртасидаги ёзишмалар ишбилиармонлик алоқаларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилганини кўрсатади.

Карл VI нинг 1403 йилда Амир Темурга йўллаган мактуби қуидаги сўзлар билан бошланади: «Франция кироли Карл, Оллохнинг инояти билан буюк сохибкирон Темурбекка салом ва тинчлик тилайди». Карл VI мактуби матнидан кўриниб турибдики, француз савдогарлари Амир Темур мулкларидан эркин фойдаланишган ва кенг имтиёзларга эга бўлганлар. Амир Темур эса ўз навбатида Франция қиролининг шарқий сиёсатини кўллаб-қувватлаган.

Кейинги асрларда Амир Темур авлодлари билан француздар ўртасидаги муносабатлар янги суръат касб этди. XVII-XVIII-асрларда Франция Уйғониш даврининг буюк арбоблари орасида Шарққа, хусусан, Темурийлар давлатига бўлган қизиқиши катта эди.

Буюк маърифатпарвар француз ёзувчиси Вольтер (1694-1778) ўзининг кўплаб асарларида Шарқ мавзусига тўхталиб ўтган. У ўзининг машхур «Задиг ёки тақдир» фалсафий асарининг илк саҳифаларида Мирзо Улуғбек, ғоялари ўз давридан ҳам ошиб кетган донишманд ҳукмдор сифатида тилга олинади. Вольтернинг Улуғбекни атоқли олим ва ҳукмдор сифатида таниши Улуғбекнинг «Зижи Жадиди Кўрагоний» қомусий асари (янги юлдузлар харитаси)нинг Европада машхур бўлиши билан боғлиқ.

Буюк француз маърифатпарвар адиби Шарл-Луи де Монтескье (1689-1755)нинг «Форс номалари» асарининг бош қаҳрамони ҳам Ўзбек номи билан аталган.

Бу асар дунёning деярли барча тилларига таржима қилинган. Бу роман асосий воқеалари Франция ва Эронда кечганига қарамай, Ўзбек номи Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам машхур бўлганлиги кўриниб турибди.

Француз шарқшуносларига Амир Темур ва Мирзо Улуғбек билан бирга яна бир темурий Захириддин Бобур ҳам маълум эди. 1871 йилда Паве де Куртейл «Бобурнома»ни (Бобур китоби) француз тилига таржима қилди. 1980 йилда бу асар Жан-Луи Баке-Граммон томонидан яна француз тилига таржима қилинди ва 1983 йилда ЮНЕСКО томонидан кенг нишонланган Захириддин Мухаммад Бобур таваллудининг 500 йиллигига рамзий тухфа бўлди.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатлар доирасида маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Франциянинг Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъатига қизиқиши ўзининг тарихий илдизларига эга. XBI асрдаёқ француз шарқшунослари Алишер Навоий ва Захириддин Мухаммад Бобур асарларини француз тилига таржима қилганлар. 19-асрда француз тарихчиси М.Лангле «Темур тузуклари»ни француз тилига таржима қилган.

Француз шарқшунослари Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъатини ўрганишда ўзига хос «кашшофлар»дир. Масалан, 30 йилдан бўён Францияда Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш уюшмаси фаолият юритиб келмоқда. Унинг асосчиси ва биринчи президенти Люсен Керен умрининг 35 йилдан кўпроқ вактини Амир Темур ва унинг авлодларининг инсоният тараққиётидаги ўрни ва ҳиссаси ҳақидаги илмий изланишларга бағишлади. Унинг ташаббуси билан «Темур даврида Самарқандга йўл» журнали дунёning кўплаб тилларига таржима қилинган.

Ушбу ассоциациянинг ҳозирги президенти Фредерик Бопертуй-Брессан шундай дейди: «Ўттиз йил аввал биз Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциациясини тузганимизда Самарқанд ва умуман Ўзбекистон ҳақида кам одам билар эди. Бошида бу жуда қийин эди. Бугун эса французларнинг аксарияти Ўзбекистонни яхши билади, ҳалқингиз маданияти билан қизиқади» [9, 2019].

2017-2018 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги самарали мулоқот ўзаро ҳамкорлик, бугунги кундаги долзарб минтақавий ва ҳалқаро масалаларни ҳал этиш имконини берди.

Жумладан, 2018 йилда Францияга хукумат аъзолари, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва парламент аъзоларининг бир қатор ташрифлари амалга оширилди.

Бугунги кунда Парламентларо алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Шундай килиб, Франция Республикаси Сенати ва Миллий Ассамблеяси ҳузурида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузурида парламентларо ҳамкорлик гурухлари фаолият кўрсатмоқда.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Франция Президенти Франсуа Олланд Шавкат Мирзиёевга табрик йўллаб, унда “мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган”лигини юксак даражада эътироф этган.

Ўз навбатида Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев Франсуа Олландга йўллаган мактубида «Ўзбекистон Франция билан икки томонлама ва қўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан бўён ҳам илгари суриш ниятида эканини» алоҳида таъкидлади.

2018 йилда Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами муносабати билан йўллаган табрик хатида “ўзаро савдони ривожлантириш ва стратегик ҳамкорлик жозибадорлигини ошириш орқали икки томонлама муносабатлар янада мустаҳкамланишини” билдирган эди.

Икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатларни ривожлантириш борасидаги ўзаро сиёсий қарашлари том маънода самарали ҳамкорликнинг гаровидир.

2018 йилнинг 8-9 октябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига тарихий ташрифи бўлиб ўтди. Бу ташриф Франция ва Европа матбуотида юксак эътироф этилди.

Давлат раҳбарининг Францияга ташрифи Ўзбекистон Республикасининг изчил ташки сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. Айтиш жоизки, Франция, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев лавозимига киришганидан сўнг ташриф буюрган биринчи Европа давлати бўлди. Бундан ташқари, бу Ўзбекистон раҳбарларининг сўнгги 20 йилдан ортиқ вақт давомида Парижга амалга оширган илк ташрифидир.

Елисей саройида икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида ўзаро сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва сармоя киритиш, Ўзбекистон ва Франция ўртасида маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон раҳбарининг Парижга илк расмий ташрифи узоқ муддатли ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилашга хизмат қилиши ҳақида таъкидланди.

Ўз навбатида Шавкат Мирзиёев Францияни «ишончли ва барқарор ҳамкор» деб атади. Ўзбекистон Франция билан томонларни қизиктирган кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратишини таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбари XV аср бошларида Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI ҳукмронлиги давридан буён икки давлатни бирлаштирган тарихий дўстлик, ўзаро хурмат ва ишонч ришталарига эътибор қаратди.

Ўз навбатида Эммануэль Макрон Ўзбекистон раҳбари билан бўлган учрашувдан мамнунлигини билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нафақат мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига киришда, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга ўзаро манфаатларга эга бўлган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан манфаатли фикр алмашилди. Хусусан, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда икки давлатнинг сиёсий қарашлари уйғун эканлиги қайд этилди. Минтақа давлатларининг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши кўшничилик муносабатларини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг муҳим ўрни ҳам стратегик, ҳам амалий даражада эканини алоҳида таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Франция хукуматлараро комиссияси фаолияти ижобий баҳоланди. Савдо ҳажмини ошириш муҳимлиги, иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истаги тасдиқланди.

Музокаралар чоғида яқин келажакда Франциянинг Airbus, Total, Vinci, Orano, Total Eren, Veolia, Fives Stein, Bouygues, Rungis ва бошқа кўплаб компаниялари билан лойиҳалар амалга оширилиши ҳақида келишиб олинди.

Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқотнинг мухим қисми маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. Шу муносабат билан иштирокчилар маданият ва санъат, туризм, фан-техника, таълим, соғлиқни сақлаш, археология ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ йўналишларини мухокама қилдилар.

Ўзбекистон раҳбари Франция хукумати Ўзбекистонга келаётган сайёхлар учун визасиз режим ўрнатган биринчи Европа давлати бўлганини алоҳида таъкидлади.

Мухокамалар натижасида туризм, ҳарбий-техник ҳамкорлик, космик тадқиқотлар, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, маданият ва таълим, автомобиль транспорти каби соҳаларда ўнта хукуматлараро ва вазирликлараро хужжат имзоланди.

Хусусан, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан Франция Экология, барқарор ривожланиш, транспорт ва уй-жой хўжалиги вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш вазирлиги ва Лувр музейи ўртасида имзолangan хужжатлар шулар жумласидандир.

Давлат раҳбарларининг муваффақиятли музокаралари якунлари Ўзбекистон ва Франциянинг узоқ муддатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, уни замонамизнинг янги воқелиигига мос келадиган янги мазмун билан тўлдириш истагининг яққол тасдиғи бўлди. Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифи ҳам стратегик, ҳам амалий жиҳатдан мазмунли ва самарали бўлди.

Францияни Европа Уйғониши даври бешиги деб аташади. Бу дунёning аксарият мамлакатларида давлат бошқаруви амалиётида кўплаб сиёсий ғоялар ва тамойилларнинг манбаи бўлди.

Масалан, атоқли француз мутафаккири ва файласуфи Шарль де Монтескье (1689-1755) номи замонавий демократик давлатларда қабул қилинган ҳокимиятлар бўлиниши тамойили билан боғлиқ.

Франция парламенти ўзининг узоқ тарихи давомида доимо сиёсий ҳаётда жуда мухим роль ўйнаган. Бугунги кунда Франция парламенти қонун чиқарувчи ваколатларга эга, давлат бюджетини қабул қиласиди, шунингдек, ҳукумат фаолиятини назорат қиласиди.

Экспертлар Франция ва Ўзбекистоннинг мавжуд сиёсий институтларида қатор ўхшашликларни қайд этдилар. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишида француз конституциясининг бир қатор тамойиллари ўрганилди ва ҳисобга олинди. Ўзбекистонда икки палатали парламент концепциясини ишлаб чиқишида Франция парламентаризми тажрибаси ҳам ҳисобга олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Франция парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларда муҳим ўрин тутади. Шу маънода мунтазам делегациялар алмашинуви, шунингдек, қонунчилик фаолияти бўйича тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламентлараро ҳамкорлик грухи тузилган бўлса, 2010 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон-Франция» дўстлик грухи фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи арафасида Олий Мажлис 2015 йил 12 декабрда имзоланган Иқлим бўйича Париж битимини ратификация қилди. Французлар ушбу хужжатни «экология соҳасидаги асосий халқаро хужжат» деб аташади. Хусусан, Орол фожиасини ҳисобга олган ҳолда Париж келишуви қоидалари Ўзбекистон учун долзарбdir.

2018 йил 8 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шахрида парламент юқори палатаси — Сенат спикери Жерар Ларше билан учрашди. Жерар Ларше муҳим конституциявий ваколатларга эга бўлган ҳукуматдаги иккинчи шахсdir.

Учрашувда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларига асосланган бозор иқтисодиёти ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришда қонун чиқарувчи органларнинг ўрни алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, хусусан, қўшма тадбирлар ва ўзаро ташрифлар ташкил этиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш ва тажриба алмашиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Бу эса икки давлат ва халқлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида хизмат қилади.

Ўзбекистон раҳбари Сенат Раисини самимий қабул учун кутлар экан, унга Франция Конституцияси қабул қилинганининг 60 йиллиги муносабати билан илк бор ўзбек тилига таржима қилинган Франция Республикаси Конституциясининг биринчи нусхасини топширди. Жерар Ларше совгани чуқур миннатдорчилик билан қабул қилди.

Сенат раиси Жерар Ларше Франция ўз навбатида Ўзбекистон билан ҳар томонлама ва самарали дўстлик ва шериклик алоқаларини ривожлантириш мақсадида парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга, уларга янада мустаҳкам тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Жерар Ларше Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларни юксак баҳолади. Жерар Ларше Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган конструктив минтақавий сиёсатини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил октябрь ойида 195та давлат орасидан ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Мамлакатимиз мазкур халқаро ташкилот фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Мамлакат икки марта - 1997-2001 ва 2009-2013 йилларда ташкилот директорлар кенгашига сайланган.

Шавкат Мирзиёевнинг Францияга ташрифи ЮНЕСКО билан ҳамкорликда янги сахифа очди. У бош директор Одри Азуле билан ҳам сухбатлашди.

Одри Азуле Президент Мирзиёевни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик ЮНЕСКО учун жуда муҳим эканини таъкидлади. У Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусларни, хусусан Самарқандда ЮНЕСКО ташаббуси билан Мирзо Улугбек номидаги Тинчлик ва бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва экстремизмнинг олдини олиш халқаро институти, шунингдек, минтақавий Технологиялар институти, Тошкент шаҳридаги Ахборот технологиялари университети маркази ва Самарқанд шаҳридаги Ипак йўли халқаро туризм университетида ЮНЕСКО кафедрасининг очилишини қўллаб-қувватлади.

Музокаралар чоғида Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари ёш олимларининг минтақавий форумини, шунингдек, 2019 йилда Тошкент шаҳрида «Ахборот технологиялари маданий меросни асраб-авайлаш йўлида» номли Осиё форумини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Шунингдек, 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшма чора-тадбирлар режаси қабул қилинган бўлиб, у муносабатларни янги босқичга кўтариш, умуммиллий муаммоларнинг инновацион ечимлари ва барча соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Бугунги кунда томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиб, маданият, таълим ва фан соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошироқда.

ЮНЕСКО билан ҳамкорлик йилларида Амир Темур, Мирзо Улугбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк сиймолар, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғilon ва Тошкент каби қадимий шаҳарларнинг юбилейлари халқаро миқёсда нишонланди, шунингдек адабиёт соҳасида «Алпомиши»,

«Авесто» ва Хоразм Маъмун академиясига бағишланган халқаро тадбирлар юксак даражада ташкил этилди.

Ўзбекистон худудидаги бир қатор тарихий ва маданий обидалар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Хивадаги Ичан-қалъа мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг тарихий марказлари, шунингдек, Чотқол табиат қўриқхонаси шулар жумласидандир. Эътиборлиси, Бухоро шаҳри «Тинчликпарвар шаҳарлар» ташкилотининг мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик ўзбек мумтоз мусика меросини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шундай қилиб, ЮНЕСКО ташаббуси билан ҳар икки йилда навқирон Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ўтказиб келинмоқда. 2018 йил сентябрь ойида қадимий Шаҳрисабз шаҳрида Маком биринчи халқаро арт-форуми бўлиб ўтди.

Бойсун маданий мероси, «Шашмақом», «Катта ашула», «Аския», палов ёки Наврӯз байрами ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Муқаддас Қуръоннинг Усмон нусхафи ва Тошкент давлат шарқшунослик институти кўлёзмалар тўплами ЮНЕСКОнинг «Жаҳон хотираси» рўйхатига киритилган.

1995 йилда ЮНЕСКО кўмагида Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ЮНЕСКОга алоқадор саккиз бўлим ва ўнта марказ, шунингдек, 34 та мактаб очилиб, фаолият юритмоқда.

Шавкат Мирзиёев Парижга ташрифи давомида машҳур Лувр музейига ташриф буюриб, ундаги ноёб санъат дурдоналари билан танишди. Ушбу музей ўзининг санъат намуналари бўйича дунёдаги энг катта музей ҳисобланади.

Лувр музейи саёҳатчилар учун Франциянинг ташриф қоғозларидан бири ҳисобланади. Шарқ дурдоналарининг ўзи 24 та залда намойиш этилади. Музейда мамлакатимиз бой тарихидан сўзловчи минглаб экспонатлар жой олган.

Жумладан, Амир Темурнинг Карл VIга ёзган мактуби, Яссавий мақбараси учун Амир Темур буйруғи билан ясалган шамдонлардан бири, қабр тошларидағи ёзувлар ва бошқа антиқа буюмлар шулар жумласидандир.

Ушбу ташриф муносабати билан Лувр музейи Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан ўзаро англашув меморандумини имзолади. Мазкур келишувга мувофиқ томонлар санъат ва маданият тарихи, музейшунослик, маданий-тарихий объектларни реставрация қилиш ва консервация қилиш йўналишларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олдилар.

2021 йилда Луврда Ўзбекистонга бағишланган «Буюк ипак йўлидаги цивилизация ва маданият» йирик кўргазмасини ташкил этиш тўғрисидаги келишув мазкур музокараларнинг асосий натижаларидан бири бўлди.

Кўргазма бизга Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамиятини тарихий, маданий, сиёсий ва диний нуқтаи назардан кўрсатиш имконини берди, мамлакатимизни англашга ўз ҳиссасини кўшди, унинг тарихи, анъаналари ва маданиятини янада чукурроқ қадрлаш имконини берди.

Франция ва Ўзбекистон географик жиҳатдан жуда узоқда жойлашган бўлишига қарамай, бугунги кунда ички ва ташқи сиёsatни амалга оширишда ўхшашиб жиҳатларга эга.

Бир-биридан бир неча ой кейин давлатнинг президентлик лавозимларини эгаллаган Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришларни амалга ошира бошладилар.

Хуносат. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳаракатлар стратегиясининг Франция давлати раҳбарининг сиёсий ва иқтисодий модернизация, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-хукуқ тизимини такомиллаштириш соҳасида амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларига яқинлиги, мамлакатдаги ҳокимият органларининг давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш муҳимдир. Ҳар икки етакчи ҳам минтақавий ва халқаро ташқи сиёsatни амалга оширишда сабитқадамликлари билан ажратиб туради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4089> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг республикада маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги нутки. 19.01.2021.
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлик муносабатлари ҳақида. 24.01.2020.
3. Шахназаров Г.Х.Грядущий миропорядок. М.: 1981. – С.19.
4. Aron R. Paix et guerre entre les nations. Р.: 1984. – Р. 17.
5. Caporaso J. Dependence, Dependecy and Power In the Global System: A Structural and Behavioral Analisis //International Organisation. 1979, №10. Р. 36.
6. Мальцев В.А. Основы политологии. – М.: ИТРК РСПП, 1997. – С. 481.
7. Афлотун. Қонунлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 413
8. Cohen S.B. Geography and Politics in a Divided World. – L. 1964. – Р. 30-31.
9. Фредерик Бопертуй-Брессан Интервью в рамках III Конгресса недели культурного наследия «Узбекистан – перекресток великих дорог и цивилизаций: империи, религии, культуры». Термез, 2019.